

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ЖАЙҲУН ҚУТЛИМУРОТ ЎҒЛИ**

**НАНОСТРУКТУРАЛИ ПАН-КРЕМНЕЗЕМ ГИБРИД  
КОМПОЗИТЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04–Физик кимё**

**02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология  
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

<b>Маматов Жайхун Кутлимурот ўғли</b> Наноструктурали ПАН-кремнезем гибрид композитларининг физик-кимёвий хоссалари.....	3
<b>Маматов Жайхун Кутлимурот угли</b> Физико-химические свойства наноструктурных ПАН- кремнеземных гибридных композитов .....	21
<b>Mamatov Jayhun</b> Physico-chemical properties of nanostructural PAN-silica hybrid composites	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ЖАЙҲУН ҚУТЛИМУРОТ ЎҒЛИ**

**НАНОСТРУКТУРАЛИ ПАН-КРЕМНЕЗЕМ ГИБРИД  
КОМПОЗИТЛАРИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04–Физик кимё**

**02.00.12 – Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология  
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/К391 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Акбаров Ҳамдам Икромович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Катгаев Нуриддин Тўраевич**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий  
оппонентлар:**

**Воҳидова Нойира Рахимовна**  
кимё фанлари доктори, катта илмий ҳодим  
**Сидиков Абдижало**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_2021 йил соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**З.А. Сманова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

**М.Г. Мухамедиев**

Фан доктори илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда полимер-кремнезем гибрид композитларига истиқболли инновацион материаллар сифатида қаралмоқда. Ўзига хос хусусиятларнинг хилма-хиллиги туфайли улар турли мақсадларда катализаторлар, мембраналар, химоя қопламалари, датчиклар, сорбция материаллари сифатида турли соҳаларда кенг қўлланилади. Шунинг учун белгиланган физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган арзон, юқори самарали ва экологик тоза маҳаллий кичик ўлчамли полимер-кремнезем материалларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда кичик ўлчамли полимер-кремнезем гибрид композицион материалларни ишлаб чиқиш ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, турли металлларнинг алкоголятлари ва темплатлар иштирокида зол-гел усулини қўллаш орқали бошқариладиган аниқ ўлчамли нанокompозитлар ёки фрактал структуралар синтези, ноёб хусусиятларга эга ғовак наноматериаллар, кўп функцияли нанокompозит сорбентлар, турли мембраналар ва “таркиб-тузилиш-хосса” боғлиқликларини аниқлаш кабилар шулар жумласидандир.

Мамалакатимизда янги турдаги материаллар олишни ривожлантириш йўналишида маълум натижаларга эришилган. Полимер-кремнезем гибрид композитларининг синтези, тузилиши ва хусусиятларини ўрганиш, юқори самарали суюқлик ва юпқа қатламли хроматография учун сорбентлар синтези, зол-гел технологиясидан фойдаланган ҳолда турли газларни сезувчи сенсорлар олиш учун наногибрид материаллар, турли хил оксилларни электрокимёвий усулда аниқлаш учун аминокислоталарни ўз ичига олган функционаллаштирилган полимер-кремнеземли нанокompозит сенсор пленкаларни яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “ички ва ташқи бозорда ички товарлар рақобатбардошлигини таъминловчи янги турдаги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”га қаратилган муҳим вазифалари белгилаб берилган. Шундай экан маҳаллий хомашё ёрдамида янги кичик ўлчамли полимер-кремнезем гибрид композитлар соҳасидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг VII. “Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижнинг қатор етакчи илмий марказларида гибрид полимер-кремнезем наноконпозицион материалларнинг синтези бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ahmed Salama, Sonia Sequeira, Vandana Singh, Arnaud Demilecamps, Hua Zou, Clement Sanchez, C.J.Brinker, G.W.Scherer, Daniel Elich-Ali-Komi, И.В.Гренбенщиков, В.Я.Шевченко, О.А.Шилова, А.Д.Помогайло, И.П.Суздаев, П.Д.Шабанова, Ю.А.Щипунов, И.Б.Бакеева А.И.Суворова тадқиқотларида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кичик ўлчамли полиакрилонитрил-кремнезем гибрид композитларини сув ва бензол буғи билан сорбцияланишининг тўлиқ механизми борасида тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган. Ahmed Salama, А.И.Суворова, П.Д.Шабанова, Ю.А.Щипунов каби олимларнинг ишлари зол-гель усулида гибрид наноконпозицияларнинг синтезига бағишланган.

Ўзбекистонда бу йўналишдаги илмий тадқиқотлар Х.У.Усмонов, К.С.Ахмедов, С.Ш.Рашидова, С.С.Негматов, Р.С.Тиллаев, С.А.Ташмухамедов, У.Н.Мусаев, Б.Дж.Кабулов, О.Н.Рўзимуродов, Ғ.Р.Раҳмонбердиев, А.С.Тўраев, Х.И.Акбаровлар томонидан олиб борилган. Натижада органик-ноорганик полимер-кремнезем гибрид наноконпозицияларини самарали синтез қилиш усуллари яратилган, шунингдек, олинган бирикмаларни хроматографияда қўллаш орқали янги маълумотлар билан бойитилган. Аммо эритувчиларни сорбцияланиш жараёнини механизмлари ва уларни тўлиқ термодинамик ва физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № Ф-7-54-сон “Наноструктурали, ғовакли ва полимер-кремнезем гибрид наноконпозит материаллари ҳосил бўлишининг физик-кимёвий қонуниятлари ва механизмларини тадқиқ этиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик ўлчамли гибрид ПАН-кремнезем композитларнинг структуравий дизайни ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазилари:**

зол-гель жараёнини бошқариш орқали белгиланган кўрсаткичларга эга бўлган ПАН-кремнезем композитларини олиш;

“Нитрон”-тетроэтоксисилан системасида гель ҳосил бўлиш кинетикасига турли омилларнинг таъсири аниқлаш;

ПАН-кремнезем гибрид композитнинг структура ҳосил қилишига темплатнинг таъсирини ўрганиш;

белгиланган структурага эга бўлган кичик ўлчамли гибрид ПАН-кремнезем композитларнинг физик-кимёвий, адсорбцион, термик ва термодинамик хоссаларини ўрганиш;

прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқотлар асосида ПАН-кремнезем наноконпозицияларга сув ва бензол буғларининг сорбцияланиш механизми, адсорбцияланиш термокинетикаси, адсорбцион мувозанат қарор топиш вақти ва тўлиқ термодинамик тавсифларини аниқлаш;

гибрид ПАН-кремнезем композитларда “синтез-структура-хосса” ўзаро боғлиқликни ўрнатиш;

синтез қилинган ПАН-кремнезем гибрид композицияларни реал объектларда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

**Тадқиқот объектлари** Тетрээтоксисилан (ТЭОС), ПАН, “Нитрон” толаси, кремнезем, ПАН-кремнезем гибрид композициялари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** – кичик ўлчамли гибрид ПАН-кремнезем композитларининг структуравий хусусиятлари, ўзаро таъсирлашиш ва адсорбцияланиш термодинамикаси ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида изотермик сорбция, прецизион адсорбцион-калориметрия, фотоэлектроколориметрия, ИҚ- ва Раман-спектроскопия, рентгенфазавий анализ, термик анализ (ТГ, ДТГ, ДТА), электрон микроскопия (РЭМ, АСЭМ), нурнинг динамик сочилиши (НДС), шунингдек, замонавий компютерли моделлаштириш каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гибрид ПАН-кремнезем композитларида “синтез-структура-хосса” боғлиқликлари ва берилган ғовак тузилишга ҳамда ўзига хос сирт майдонига эга бўлган наноматериалларнинг синтезини назорат қилиш имконияти аниқланган;

электрон микроскопия, сорбция, термик ва нурнинг динамик сочилиш усуллариининг композицияларида заррачаларнинг наноўлчамга эга эканлиги ва нанозаррачаларнинг ҳамда ғовакларнинг ўлчамлар бўйича тақсимланиши аниқланган;

илк бор прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқотлар натижалари асосида ПАН-кремнезем гибрид композитларининг тўлиқ термодинамик функциялари аниқланган, тажрибавий маълумотлар микроғовакларнинг ҳажмий тўлиш назариясининг (МХТН) икки ва уч аъзоли тенгламалари ёрдамида олинган назарий маълумотларга мос келиши исботланган;

илк бор ПАН-кремнезем системасидаги ўзаро таъсир энергияси ва геометрик параметрларнинг қийматлари квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари билан аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ПАН-кремнезем наноконпозициялари водород сульфид, карбонат ангидрид, аммиак, водород ва углерод диоксид каби турли газларга нисбатан сезгирлиги аниқланган;

ПАН-кремнезем композицияси асосидаги яримўтказгичли сенсорлар орқали водород сульфид гази табиий шароитларда аниқланган;

нанокомпозит гибрид полимер-кремнезем материаллари турли органик бирикмаларнинг изомерларини ажратишда юқори самарали суяқлик хроматографияси учун кўзгалмас фаза сифатида фойдаланиш имконияти аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Асосий илмий қоидалар ва хулосалар изотермик сорбция, прецизион адсорбцион-калориметрия, ИҚ-ва Raman-спектроскопияси, рентгенфазавий анализ, термик анализ (ТГ, ДТГ, ДТА), электрон микроскопия (РЭМ, АСЭМ), НДС каби замонавий физик-кимёвий усуллар, шунингдек, квант-кимёвий ва термодинамик назарияларни кўллаш орқали асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зол-гель технологияси ёрдамида турли усуллар билан синтез қилинган полиакрилонитрил-кремнезем гибрид нанокомпозицияларида сув ва бензол буғларининг сорбцияланиш механизми, адсорбцияланиш термокинетикаси, адсорбцион мувозанат қарор топиш вақти ва тўлиқ термодинамик тавсифлари ҳамда “синтез-структура-хосса” боғлиқликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ПАН-кремнезем гибрид нанокомпозитлари асосида  $H_2S$  газини аниқлашнинг сезгирлиги ва селективлиги юқори бўлган модификацияланган ярим ўтказгичли сенсорларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик ўлчамли гибрид ПАН-кремнезем композитларини синтез қилиш ва улар асосида яримўтказгичли кимёвий сенсорларни ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар асосида:

ПАН-кремнезем гибрид композитли кимёвий сенсорлар “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖнинг амалиётига жорий қилинди (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2020 йил 5 сентабрдаги 1201/ГК-09 сон гувоҳномаси). Натижада  $H_2S$  газини аниқлашнинг сезгирлиги ва селективлиги юқори бўлган янги сенсор яратиш имконини берган;

ПАН-кремнезем композитлари асосидаги яримўтказгичли кимёвий сенсорлар “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ амалиётига жорий қилинди (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2020 йил 5 сентябрдаги 1202/ГК-09-сон маълумотномаси). Натижалар саноат, маъмурий ва маиший биноларнинг атмосфера ҳавосида водород сульфид газини аниқлаш орқали хавфсизликни таъминлаш имконини берган;

олинган илмий натижалар асосида А-12-57 “Нанодисперс кремнезем ишлаб чиқариш учун зол-гель технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада зол-гель технологияси ёрдамида нанодисперс кремнезем ишлаб чиқариш услубидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 январдаги 89-04-259-сонли маълумотномаси). Натижада зол-гель технологияси ёрдамида нанодисперс кремнезем олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 14 та, шу жумладан, 5 халқаро ва 9 республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация иши бўйича 4 та илмий ишлар нашр қилиниб, улардан 3 та мақола республика ва 1 та мақола халқаро журналларда, 14 та тезислар халқаро ва республика конференциялари тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади<sup>2</sup>.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга татбиқ қилиниши очиқ берилган ва чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кичик ўлчамли ПАН-кремнезем гибрид композитларини олиш усулларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари”** деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда наноматериаллар ва наноконпозицияларни синтез қилиш усуллари кўриб чиқилган. Наноматериаллар ва наноконпозицияларни олиш услубларидан бири чин эритмадан коллоидга ўтиш чегарасини бошқариш ҳамда зол-гель технологиялар усули эканлиги алоҳида таъкидланган. Белгиланган физик-кимёвий хоссаларга, нанозаррачаларнинг маълум ўлчамлари ва уларнинг тақсимланишига, тартибланган структурага, солиштирма сирт ва ғовакликка, бошқариладиган сорбцион ва термодинамик хоссаларга эга бўлган материалларни олишда зол-гель синтезнинг истиқболлари кўрсатилган. Адабиёт маълумотларининг таҳлили наноматериаллар ва наноконпозицияларнинг термодинамик хоссаларини ва адсорбцион жараёнларнинг термодинамикасини прецизион адсорбцион-калориметрик усулда ўрганишга кам эътибор қаратилганлигини кўрсатди, лекин бу усуллар компонентларнинг уйғунлашувчанлик даражасини, ўзаро таъсирлашиш энергияларини аниқлашга, адсорбция жараёнларининг механизмини молекуляр даражада ўрнатишга, жараённинг термокинетикаси, унинг термодинамик функциялари ҳақида маълумотларга эга бўлиб, наноматериалларнинг тартибланган структураси ҳақида хулосаларга олиб келади. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш ишнинг мақсади ва вазифаларини асослашга ва тадқиқот объектларини танлашга имкон берди.


---

<sup>2</sup> Кимё фанлари доктори, проф. О.Н.Рўзимуродовга диссертация иши бажарилиши давомида берган илмий маслаҳатлари учун миннатдорлик билдираман.

Диссертациянинг “Кичик ўлчамли ПАН-кремнезем гибрид композитларини олиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари” деб номланган иккинчи бобида полиакрилонитрил-керемнезем гибрид композитларини золь-гель усули ёрдамида синтез қилишнинг турли шароитлари, ПАН-кремнезем системасининг моделлаштириш тафсилотлари, прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқот усули, суяқ азот буғларининг адсорбциясини ўрганиш, ДТА, турли электрон-микроскопик ва спектрал усуллар ҳамда қўлланилган ускуналар ва материаллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Бошқариладиган архитектурали ПАН-кремнезем гибрид композитларни олишнинг ўзига хос жиҳатлари» номли учинчи бобида белгиланган параметрларга эга бўлган ПАН-кремнезем нанокompозитларни золь-гель жараёнини бошқариш орқали синтез қилиш, “Нитрон”-ТЭОС системасида гель ҳосил бўлиш кинетикасига турли омилларнинг таъсири ва турли темплатларнинг мавжудлиги гибрид композитнинг структура ҳосил қилишига таъсирини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган.


Тажриба натижаларидан ТЭОС кўшиб борилиши билан оқувчанликнинг йўқолиш вақти орасидаги боғлиқлик олинди: реакцион аралашмага кўшилаётган ТЭОСнинг миқдори ортиб бориши билан гель ҳосил бўлиш вақти сезиларли камаяди. Масалан,  $4,72 \cdot 10^{-4}$  моль ТЭОС кўшилганда оқувчанликнинг йўқолиш вақти 158 соат бўлса,  $21,22 \cdot 10^{-4}$  моль ТЭОС кўшилганда вақт 22 соатгача камаяди. Гель ҳосил бўлиш эффе́ктивнинг камайиши ПАНнинг миқдори ТЭОСга нисбатан ортишида ПАН макромолекулаларининг экранловчи таъсири ортиши, натижада золь заррачаларининг ўзаро таъсири ва гель ҳосил бўлиш жараёнининг секинлашиши билан тушунтирилади. 1-расмдаги РЭМ-микросуратларда ПАН ва материалнинг бутун ҳажми бўйича тақсимланган кремнеземнинг дисперс заррачаларидан иборат узлуксиз фаза кўриниб турибди. Заррачаларнинг ўлчами ўн нанометрдан бир неча микрометрларгача ўзгарган.



**1-расм. ПАН-кремнезем композитларининг кўйидаги нисбатлардаги РЭМ-микросуратлари: а-1,0:2,0; б-1,0:3,0; в-1,0:4,5. (10000 марта катталаштирилган).**


Агар ПАН-кремнезем композитнинг 1:1 нисбатдаги ва турли катталаштиришдаги автоэмиссион СЭМ-микросуратларида сирт текис бўлмаган зич структура ва йирик агрегатлардан иборат гетероген структурага эга бўлиб, структуранинг ғоваклиги бу ҳолда деярли кўринмаса, гибрид

композициянинг таркибида органик ташкил қилувчининг миқдори кўпайиши билан фазовий матрицанинг структура ҳосил қилиши кескин кучаяди (2-расм). 1:1 нисбатда композитнинг сиртида намоён бўлган йирик агрегатлар ПАН миқдори ортиши билан зич бўлмаган, кучли ғовакли агрегатлар ва фазовий структура билан алмашади. Агрегатлардаги заррачаларнинг ўлчами, асосан, 50-100 нм атрофида ўзгаради.




**2-расм. 1,5:1,0 нисбатли ПАН-кремнезем композитларининг АСЭМ-микросуратлари (50 000 марта катталаштирилган).**

Синтез жараёнида темплат кўшилганда, умуман, бошқача морфологик сурат кўринади. 3-расмда ПАН-кремнезем 1,0:0,65; 1,0:1,14 ва 1,0:1,71 нисбатларда олинган композитларининг темплат сифатида олинган глицерин иштирокидаги РЭМ-микросуратлари келтирилган. Бунда материалнинг бутун ҳажми бўйича ўтган, иерархик структурали ғовакларни ифодаловчи жуда кўп думалоқ тирқишларни кўриш мумкин. Наноконпозицион материалда ғоваклар унинг солиштирма сиртига асосий улушни қўшади, солиштирма сирт эса, ўз навбатида, кўп материалларни ишлаб чиқаришда муҳим омил ҳисобланади, масалан, сорбентлар, катализаторлар ва бошқалар.




**3-расм. ПАН-кремнезем композитларининг глицерин иштирокидаги қуйидаги нисбатлардаги РЭМ-микросуратлари а - 1,0:0,65; б - 1,0:1,14; в - 1,0:1,71 (15000 марта катталаштирилган).**

Кичик катталаштиришда (4а-расм) глицерин иштирокида 1:1 нисбатда ПАН-кремнезем композитининг морфологияси ўзаро зич боғланган, деярли текис сиртга эга бўлган агломератлардан иборат. Аммо юқори катталаштиришда ПАН-кремнезем композитининг сийрак фазовий структурасини кўриш мумкин (4б-расм). 100000 марта катталаштиришда композитнинг бир жинсли сийрак структураси яққол кўринади, бу ноорганик ва органик ташкил қилувчиларнинг глицерин иштирокида бир текис тақсимланиши билан тасдиқланади.




**4-расм. 1:1 нисбатли глицерин иштирокидаги ПАН-кремнезем композитларининг 100 (а) ва 100 000 (б) марта катталаштирилган АСЭМ-микросуратлари.**

Глицерин иштирокида олинган композит таркибида ПАНнинг миқдори ортиши билан ҳам структура ҳосил бўлиши кучаяди (5-расм). ПАН-кремнезем 1,5:1 нисбатда темплат иштирокида олинган композитининг структуравий морфологияси 1:1 нисбатда олинганидан кескин фарқ қилади. Ушбу намунанинг сиртида бир текис нанометр даражасидаги юпқа парда билан қопланган сферик заррачалар яққол кўриниб турибди.



**5-расм. 1,5:1,0 нисбатли глицерин иштирокидаги ПАН-кремнезем композитларининг x10 000 (а) ва x50 000 (б) марта катталаштирилган АСЭМ-микросуратлари.**

Структура ҳосил қилишни бошқариш фақат компонентларнинг нисбатларини ўзгартириш, темплат кўшиш ва унинг миқдорини ўзгартириш билан эмас, балки бошқа усуллар билан ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, ультратовуш таъсирида дисперслаш йўли билан. Нурни динамик сочилиши (НДС) усулида олинган натижалар 6-расмда келтирилган.



**6-расм. Ультратовуш таъсир этилган 1:1 нисбатли ПАН-кремнезем композитининг НДС таҳлили.**

6-расмдан кўринишича, композит заррачаларининг асосий қисми нанометрли соҳада жойлашган. Микрон ўлчамли даражадаги заррачаларнинг мавжудлигини НДС тадқиқотлар ўтказилиши шароитида нанозаррачаларнинг агрегацияси билан тушунтириш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Гибрид ПАН-кремнезем композитларининг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш» деб номланиб, унда турли услубларда синтез қилинган ПАН-кремнезем гибрид композицияларининг ИҚ-спектроскопик, рентгенографик, термогравиметрик, сорбцион, прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқотлари келтирилган.

ПАН-кремнезем гибрид композициясининг ИҚ-спектри таҳлили натижасида ПАН ва кремнезем учун хос бўлган ютилиш соҳалари мавжудлиги аниқланди.  $2977$ ,  $2930$   $\text{cm}^{-1}$  ютилиш соҳалари –  $\text{CH}_2$  гуруҳларнинг,  $2243$   $\text{cm}^{-1}$  соҳа –  $\text{CN}$  валент тебранишларига тегишли. Тадқиқот натижасида тоза кремнезем молекуласидаги –  $\text{OH}$  гуруҳнинг тебраниш интенсивлиги гибрид композит намунасида анча камайганини, шунингдек,  $950$   $\text{cm}^{-1}$  ютилиш соҳаси кремнеземдаги ( $\text{Si-OH}$ ),  $776$   $\text{cm}^{-1}$  соҳа эса ПАН молекуласидаги ( $\text{C-CN}$ ) боғлари учун хос бўлиб, гибрид композицияда бу ютилиш соҳалари тегишлича  $970$   $\text{cm}^{-1}$  ва  $796$   $\text{cm}^{-1}$  га ўзгарганини кўришимиз мумкин. Бу эса икки молекула ўртасида ўзаро таъсирлашув борлигидан далолат беради.


Гибрид наноконпозицион материалларнинг рентгенофазавий таҳлили иккита экстремум борлигини кўрсатди. Гибрид композиция кристаллик даражаси ПАН га нисбатан камайгани органик ва ноорганик компонентлар орасида таъсир мавжудлигини кўрсатади. ПАН кремнезем билан таъсирлашганда кремнеземли тўр кенгайди ва бунга мос равишда қатламлараро масофа ўзгаради. Бу ПАНнинг гибрид материал структурасидаги кристаллиги қисман камайишидан, яъни кремнезем макромолекуларининг гидролитик поликонденсация натижасида ҳосил бўлган нанозаррачалари билан ПАНнинг таъсирлашувидан далолат беради. ПАН кутбли звеноларининг манфий кутби билан кремнезем сиртидаги

силанол гуруҳларига ориентацияланиши туфайли водород боғлари ҳосил бўлади.

Термостабилликни аниқлаш учун ПАНнинг ва ПАН-кремнезем намуналарининг термооксидланиш деструкцияси ўрганилди. Термик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аморф ғоваксимон кремнезем учун масса йўқотиш температуранинг бутун интервалида 19 %ни ташкил қилди. Шуниси аҳамиятлики, ПАН молекуласида биринчи экзотермик чўкки 330 °Сда содир бўлиб, гибрид композиция намунасида бу чўкки 250 °Сга тўғри келди. Бу температуралар фарқи кремнеземдаги силанол гуруҳларининг ПАН-кремнезем молекуласидаги каталитик таъсири билан тушинтирилади. Иккинчидан, узокроқ давом этган экзотермик чўкки 600 °Сга тўғри келади ва термик деструкция билан тугайди. Бунда учувчан моддалар ( $\text{NH}_3$ ,  $\text{HCN}$ ,  $\text{N}_2$ ,  $\text{CO}_2$ ,  $\text{CO}$ ,  $\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{CH}_4$ ) ажралади. Олинган натижалар кўрсатишича, ПАН-кремнезем наноконпозицион материал гидрофиллик хусусиятига эга ва киздириш билан структура ўзгаришида кремнезем ПАН молекуласига каталитик таъсир қилади.

Маълумки, сорбцион хоссалар намуналарнинг кристалл ва ғовак тузилишига боғлиқ. Шу муносабат билан сорбцион тадқиқотлар ўтказилди ва ғовак структура билан термодинамик хоссалар орасида ўзаро боғлиқлик ўрганилди. Намуна сифатида бошланғич моддалар ва наноконпозициялар учун бензол буғларининг изотермалари, аралашини ўртача эркин энергиясининг концентрацияга боғлиқлиги ва Гиббс энергияси (7-расм) ҳамда ғоваксимон структура тавсифлари келтирилган (1-жадвал).

Шу каби натижалар сув буғлари сорбцияси тажрибалари асосида ҳам олинган ва термодинамик функцияларнинг, ғоваксимон структуранинг ва сув бўйича сиртнинг қийматлари аниқланган. Сорбция изотермалари



7-расм. Бошланғич моддалар ва ПАН-кремнезем гибрид композицияларининг бензол буғларини сорбциялаш изотермалари (а) ва аралашини ўртача эркин энергиясининг концентрацияга боғлиқлиги (б)

полимер-эритувчи ўртасидаги ўзаро таъсирларни сифат жиҳатдан тавсифлайди: бошланғич толанинг сорбцион қобилияти бензол бўйича ҳам, сув бўйича ҳам энг кичик, кремнезем учун эса фақат бензол бўйича сорбцион қобилият энг юқори.

## 1-жадвал

### Бошланғич моддалар ва ПАН-кремнезем композитларининг бензол буғлари сорбцияси бўйича ҳисобланган ғовак структураси параметрлари

№	Наъмуналар	$r_{cp},$ Å	$W_0,$ см <sup>3</sup> /г	$X_m,$ г/г	$S_{уд},$ м <sup>2</sup> /г	$-\Delta g_m^{max},$ Дж/моль	$-\Delta G_i$ Дж/моль
1	“Нитрон”	93,22	0,046	0,0042	9,81	1,05	1,25
2	Кремнезем	214,17	0,408	0,0164	38,12	3,61	4,2
3	“Нитрон”:кремнезем – 1:1	126,31	0,104	0,0071	16,41	1,73	1,9
4	“Нитрон”:кремнезем + Г – 1:1	171,12	0,195	0,0097	22,77	2,74	3,0

Бензолнинг сорбциясида гибрид композициялар бошланғич моддаларнинг орасига жойлашган, сув бўйича композицияларнинг сорбцион қобилияти эса бошланғич моддаларникидан жуда катта эканлиги турли кимёвий табиатга эга макромолекулаларнинг уйғунлашувидан далолат беради. Буни ПАН макромолекулаларининг зол-гель жараёнида кремнеземнинг фазовий структурасига жойлашиши билан тушунтириш мумкин, бундан ташқари ИҚ-спектроскопия тадқиқотида кўрсатиб берилган композициялардаги водород боғлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Композициядаги компонентларнинг сув муҳитида уйғунлашиши ҳақидаги хулосани термодинамик функцияларни ҳисоблаш натижалари тасдиқлайди: сувнинг сорбцияси бўйича термодинамик функцияларнинг манфий қийматлари бензол изотермаларидан ҳисоблангандан кўра анча катта. Композитлар солиштирма сиртининг қийматлари сув буғи сорбцияси бўйича юқори, аралашининг ўртача эркин энергияси ва Гиббс энергияси манфийроқ. Темплат иштирокидаги синтезда юқори ғовакликдаги композитлар ҳосил бўлади: ғовакларнинг ўртача радиуси, умумий ҳажми ва солиштирма сирти энг катта қийматларни қабул қилади. Бундай хулоса сув буғларининг сорбцияси изотермасини де Бур-Цвикернинг адсорбцион назарияси бўйича чизиқсимон ҳолга келтириб, капилляр конденсатланиш ва кластерланиш натижасида мураккаблашмаган “ҳақиқий” сорбция миқдорини аниқлаш мумкинлиги орқали ҳам тасдиқланади: ПАН-кремнезем учун нисбий босимларнинг барча соҳасида изотермалар чизиқсимон, бошланғич моддалар учун эса изотермалар эгрисимон шаклга эга.

ПАН-кремнезем гибрид композитининг ғоваклик тавсифларини суёқ азот адсорбциясини тадқиқ қилиш орқали ҳам ўрганилди. Адсорбция изотермалари БЭТ, КНБЭТ (кўп нуқтали БЭТ), V-t усул, ВЈН усул (Barret-Joynner-Halenda) ва DFT усуллар ёрдамида таҳлил қилинди. 2-5 жадвалларда ПАН-кремнезем гибрид композитларининг ғовак структурасини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

## 2-жадвал

Адсорбция изотермаларини БЭТнинг чизикли тенгламаси бўйича қайта ишлаш натижалари (кўп нуқтали БЭТ усулида)

Кўрсаткичлар	ПАН-кремнезем	
	1:2	2:1
Бурчак коэффициенти (бурчак тангенци), $s = \frac{c-1}{w_m c}$	14,499	15,236
Тўғри чизик кесмаси, $i = \frac{1}{w_m c}$	0,2258	0,2336
Корреляция коэффициенти, $r^2$	0,999986	0,999995
Константа С	65,202	66,234
Солиштира сирт юзаси, м <sup>2</sup> /г	236,508	225,114

## 3-жадвал

Изотермаларни V-t усули ёрдамида қайта ишлаш натижалари (t-графикни қўллаган ҳолда)

Кўрсаткичлар	ПАН-кремнезем	
	1:2	2:1
Бурчак коэффициенти (бурчак тангенци)	17,467	14,751
Тўғри чизик кесмаси	-12,668	-2,877
Корреляция коэффициенти, $R^2$	0,999643	0,999995
Солиштира сирт юзаси, м <sup>2</sup> /г	236,508	225,114

Азот буғларининг 77 Кда композитлар адсорбцияси изотерма эгрларини таҳлил қилиш асосида олинган маълумотлардан намуналар микроғовак структурага эгаллиги ҳақида хулоса қилинди: нисбий босим  $P/P_0=0,9928$  бўлганда ғовакларнинг ўртача ўлчами микроғоваклар соҳасида (1339,7 Å), яъни 2 нмдан кичик.

## 4-жадвал

Изотермаларни ВЈН усули ёрдамида қайта ишлаш натижалари


Кўрсаткичлар	ПАН-кремнезем	
	1:2	2:1
Солиштира сирт юзаси, м <sup>2</sup> /г	268,930	278,416
Ғовакларнинг умумий ҳажми, см <sup>3</sup> /г	0,551	1,057
Ғовакларнинг умумий радиуси, $D_v(r)$	48,614	78,271

## 5-жадвал

Изотермаларни DFT усули бўйича таҳлил қилиш натижалари

Показатели	ПАН-кремнезем	
	1:2	2:1
Ғовакларнинг умумий ҳажми, см <sup>3</sup> /г	0,520	1,000
Солиштира сирт юзаси, м <sup>2</sup> /г	171,026	178,095
Ғовакларнинг ярим радиуси, Å	37,261	55,865
Ғовакларнинг умумий ҳажми: $P/P_0 = 0,9928$ да 1339,7 Å дан кичик	0,5489	0,99402
Ғовакларнинг ўртача ўлчами, Å	46,4187	91,9192

Бунда ПАН-кремнеземнинг 1:2 ва 2:1 нисбатлардаги микроҶовакларнинг умумий Ҷовакларнинг умумий кумулятив Ҷажмидан мос равишда 99,529 ва 94,606 %ни ташкил қилади. Ҷисобларнинг кўрсатишича, намуналарнинг микроҶовакларга тегишли бўлган сиртининг юзалари деярли тенг – мос равишда 63,595 ва 63,957 %.




**8-расм. ВЈН (а, б) ва DFT (в, г) усуллари ёрдамида олинган 1:2 ва 2:1 нисбатли ПАН-кремнезем намуналари Ҷовакларининг интеграл ва дифференциал тақсимланиш эҶрилари**


Демак, гибрид ПАН-кремнезем композитлари микроҶоваклардан ташқари мезо- (2-50 нм) ва макроҶовакларга (>50 нм), шунингдек, солиштирма сирт юзага, яъни материалнинг микроҶовак бўлмаган қисмига ҳам эга. Шуниси аҳамиятлики, Ҷовакларнинг кумулятив Ҷажми, сирт майдони ва ўртача ўлчами/Ҷоваклар кенглигининг ярми ПАН-кремнезем композитида ПАНнинг миқдори ортиши билан ортади. Шундай қилиб, синтез қилинган ПАН-кремнезем композитлари юқори сийрак-Ҷоваксимон сиртга эга бўлганлиги сабабли, уларни юқори самарали суяқлик хроматографиясида кўзгалмас фаза сифатида, шунингдек, саноат миқёсидаги тозалаш усулида ва компонентларининг хоссалари яқин бўлган мураккаб органик аралашмаларни ажратишда қўллаш мумкин.

Адсорбцион марказларнинг сони, кучи ва локализацияси, сувнинг кутбли ва бензолнинг кутбсиз молекулалари адсорбцияси механизми, молекулалараро таъсирлашув табиати, конформацияси ва адсорбцион кластерларнинг ҳолатини ва адсорбция термокинетикасини ўрганиш учун прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқотлар ўтказилди.

Изотерманинг кескин кўтарилиши (9-рasm) нанокомпозитда оний адсорбция кузатиладиган гидрофил марказлар борлигини ҳамда микроговакларнинг бир жинсли ва юқори сорбцион қобилиятга эга эканлигини кўрсатади.



**9-рasm.** Гибрид ПАН-кремнезем нанокомпозицион материалларнинг 303 К да сувни адсорбциялаш изотермаси. Қора нукталар МХТН ёрдамида ҳисобланган.



**10-рasm.** Адсорбцион мувозанат ўрнатилиш вақтининг ПАН-кремнезем гибрид нанокомпозицион материалларнинг сувни адсорбциялаш катталигига боғлиқлиги.



Дастлабки сув молекулалари адсорбцияси секинлашган бўлиб, адсорбцион мувозанат қарор топиш вақти 8,8 соатда кузатилади (10-рasm). Кейинги мувозанат 4,8 соатда қарор топади.

ПАН-кремнезем гибрид нанокомпозитида сув адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари 11-рasmда келтирилган. Кўриниб турибдики, бу системада энергетика жуда кучли. Сувнинг ПАН-кремнезем материалга адсорбцияланиш иссиқлиги зинасимон кўринишга эга эканлиги, миқдори 0,49 ммоль/гга тенг гидрофил марказлар борлиги ва сув 110 кЖ/мольга тенг жуда юқори иссиқлик билан адсорбцияланишини кўрсатади. Кейин  $n$  ўлчамли  $(\text{H}_2\text{O})_n/\text{M}$  кластерлар пайдо бўлади.

12-рasmда сувнинг дифференциал адсорбция энтропияси ўзгаришини унинг ПАН-кремнезем гибрид нанокомпозитидаги адсорбцияланиш катталигига боғлиқлиги кўрсатилган (суюқ сувнинг энтропияси нол, деб қабул қилинган). Дифференциал моль энтропия эгрисининг катта манфий қийматлари сувнинг юзадаги ҳолати музсимон кўринишида эканлигини кўрсатади (муз ҳолатидаги сув молекулаларининг энтропияси  $-26 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ га тенг). Нанокомпозит юзасида адсорбцияланган сувнинг ўртача моль интеграл энтропияси  $-36 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ га тенг. Бу катталик адсорбцион сув молекулаларининг кўзгалувчанлиги гибрид нанокомпозитда жуда секинлашганлигини кўрсатади.

Бензол буғлари бўйича адсорбцион мувозанат ўрнатилиш вақти сув буғи адсорбциясига қараганда анча кам (3,5 соат) бўлиб, бензол буғларининг сорбцияланиш дифференциал иссиқлиги 110 кЖ/мольга тенг ва юқори

иссиқлик билан адсорбцияланиш содир бўлади. Нанокөмпозит юзасида адсорбцияланган бензолнинг ўртача моль интеграл энтропияси  $-58,2$  Ж/моль·Кга тенг бўлиб, бу бензол молекулаларининг қўзғалувчанлиги кучли тормозланганлигидан далолат беради.



**11-расм.** ПАН-кремнезем гибрид нанокөмпозицион материалларнинг 303 К да сувни адсорбциялаш дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрихланган чизик 303 К да сувнинг конденсацияланиш иссиқлигига мос келади.

**12-расм.** ПАН-кремнезем гибрид нанокөмпозицион материалларнинг 303 К да сувни адсорбциялаш энтропияси: горизонтал штрихланган чизик ўртача моляр интеграл энтропияга мос келади.

Диссертациянинг «ПАН билан кремнезем молекулалараро таъсирлашишни квант-кимёвий тадқиқоти» деб номланган бешинчи бобида функционал зичлик назарияси (DFT) асосида «ПАН-кремнезем» системасида молекулалараро таъсирлашишнинг квант-кимёвий тадқиқотларининг натижалари келтирилган, яъни ТЭОСни органик полимер – ПАН иштирокида гидролитик поликонденсатлаб олинган гибрид көмпозитни көмпютер моделлаштириш ўтказилган.

Маълумки, көмпютер моделлаштириш усуллари фақат моддаларнинг структура ва физик-кимёвий хоссалар ҳақида эмас, балки уларнинг кимёвий хоссаларини башорат қилишда ҳам фойдалидир. Бошланғич ПАН ва кремнеземни Avogadro ва GaussView дастурий пакетлари ёрдамида көмпютерда оптималлаштирилган. Квант-кимёвий ҳисоблар Gaussian 09 программа пакетидан фойдаланиб зичлик функционали назарияси (DFT) рамкасида 6-311G(d,p)/V3LYP базаси қўлланилган.

Квант-кимёвий тадқиқотлар натижаларидан чегаравий молекуляр орбиталлар (НОМО-LUMO) ва уларнинг ПАН-кремнезем ассоциатидаги контурлари аниқланган. Шундай қилиб, квант-кимёвий усулда ПАН-кремнезем ассоциатида молекулалараро ўзаро таъсирлашиш тадқиқ қилинган. Органо-ноорганик гибрида ўзига хос таъсирланувчи ассоциатив боғланиш кўрсатилган. Электростатик потенциалнинг тақсимланишини ўрганиш ва табиий боғловчи орбиталларни (NBO) таҳлил қилиш натижасида молекулалараро ўзаро таъсирлашишга масбул бўлган фаол марказлар аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Зол-гель жараёнини бошқариш орқали олдиндан белгиланган кўрсаткичларга эга бўлган наноструктураланган гибрид полиакрилонитрил-кремнезем композитларини олиш имконияти кўрсатиб берилган.

2. Полиакрилонитрил-тетраэтоксисилан системасида гель ҳосил бўлиш кинетикасига компонентларнинг моль нисбатлари, зол-гель жараёнини олиб бориш услуби, эритувчи табиати ва ғовак ҳосил қилувчиларнинг таъсири кўрсатилган.

3. Гибрид полиакрилонитрил-кремнезем композитининг структура ҳосил қилиш жараёнини бошқаришда темплатнинг таъсири кўрсатилган.

4. Турли услубларда синтез қилинган гибрид полиакрилонитрил-кремнезем композитларининг физик-кимёвий, адсорбцион ва термодинамик хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари орқали жараённи бошқариш ва белгиланган наноструктурали композитлар олиш имконияти кўрсатиб берилган.

5. Прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқотлар полиакрилонитрил-кремнезем гибрид нанокompозитларнинг тўлиқ термодинамик тавсифларини аниқлашга имкон берган. Адсорбцион-калориметрик тажрибавий натижалар микроғовакларнинг ҳажмий тўлиш назарияси ёрдамида ҳисобланган назарий қийматларга мос келиши кўрсатиб берилган.

6. Замонавий термодинамик назариялар асосида таҳлил қилинган физик-кимёвий, спектроскопик, квант-кимёвий, адсорбцион-калориметрик, нурнинг динамик сочилиши, сорбцион ва термик тадқиқотлар гибрид полиакрилонитрил-кремнезем нанокompозитларда “синтез-структура-хосса” ўзаро боғлиқликни ўрнатиш имкониятини берган.

7. Синтез қилинган полиакрилонитрил-кремнезем нанокompозитлари реал объектларда турли газларнинг кимёвий сенсори сифатида тавсия этилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**МАМАТОВ ЖАЙХУН КУТЛИМУРОТ УГЛИ**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА НАНОСТРУКТУРНЫХ ПАН-  
КРЕМНЕЗЕМНЫХ ГИБРИДНЫХ КОМПОЗИТОВ**

**02.00.04 - Физическая химия  
02.00.12. – Нанохимия, нанофизика и нанотехнология  
(химические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

**Ташкент–2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/К391**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу [www.ik-kimyو.nuu.uz](http://www.ik-kimyو.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научные консультанты:**

**Акбаров Хамдам Икрамович**

доктор химических наук, профессор

**Катгаев Нуритдин Тураевич**

доктор химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Вохидова Нойира Рахимвна**

доктор химических наук, снс

**Сидиков Абдужалол**

доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc 03/30.12.2019.К.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Докторская диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № \_\_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (100174, Ташкент, ВУЗ городок, Фундаментальная библиотека НУУз. Тел.: (+99871) 246-67-71).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 года).

**З.А. Сманова**

Председатель разового научного совета  
по присуждению учёной степени  
доктора наук, д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**

Ученый секретарь разового научного  
совета по присуждению учёной степени  
доктора наук, д.х.н.

**М.Г. Мухамедиев**

Председатель разового научного семинара  
при научном совете по присуждению учёной  
степени доктора наук, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире полимер-кремнеземные гибридные композиты рассматриваются как перспективные инновационные материалы. Благодаря разнообразию специфических свойств они широко применяются в различных областях в качестве катализаторов, мембран, защитных покрытий, сенсоров, сорбционных материалов различного назначения. В связи с этим особое значение приобретает создание экономичных, высокоэффективных и экологически чистых отечественных низкоразмерных полимер-кремнеземных материалов с заданными физико-химическими свойствами.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по разработке и выявлению физико-химических свойств низкоразмерных полимер-кремнеземных гибридных композиционных материалов. В частности, использованы золь-гель метод с участием алкоголятов различных металлов и темплатный синтез для регулирования структуры и получения определенного размера нанокompозитов или фрактальной структуры, пористых наноматериалов с уникальными свойствами, многофункциональных нанокompозиционных сорбентов, различных мембран и установлена взаимосвязь «состав-структура-свойства».

В нашей стране были достигнуты определенные результаты в направлении получения новых типов материалов. Проводятся научно-исследовательские работы по синтезу, исследованию структуры и свойств полимер-кремнеземных гибридных композитов, синтезу сорбентов для высокоэффективной жидкостной и тонкослойной хроматографии, наногибридных материалов для получения сенсоров различных газов с использованием золь-гель технологии, созданию нанокompозиционных функционализированных полимер-кремнеземных сенсорных пленок, содержащих аминокислоты, для детектирования различных белков электрохимическим способом. В Стратегии действий<sup>1</sup> по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «освоение производства принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечивающих конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках». Таким образом, исследования в области новых низкоразмерных полимер-кремнеземных гибридных материалов на основе местного сырья приобретают важное значение.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 3 апреля 2019 года №ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» и ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химии и биологии», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование реализуется в соответствии с приоритетным VII направлением по развитию науки и технологий в стране «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В ряде научных центров зарубежья ведутся исследования по синтезу полимер-кремнеземных гибридных нанокomпозиционных материалов. В частности, в работах Ahmed Salama, Sonia Sequeira, Vandana Singh, Arnaud Demilecamps, Hua Zou, Clement Sanchez, C.J. Brinker, G.W. Scherer, Daniel Elich-Ali-Komi, В.Я. Шевченко, И.В. Гребенщиков, О.А. Шилова, А.Д. Помогайло, И.П. Суздалев, П.Д. Шабанова, Ю.А. Щипунов, А.И. Суворова, И.В. Бакеева уделено особое внимание данному направлению.

Анализ литературных данных показал, что не проведены систематические исследования по установлению механизма сорбции паров воды и бензола полиакрилонитрил-кремнеземными гибридными нанокomпозициями. Работы Ahmed Salama, А.И. Суворовой, П.Д. Шабановой и Ю.А. Щипунова посвящены вопросам синтеза гибридных нанокomпозиций золь-гель методом.

В Узбекистане научные исследования в данном направлении проводились Х.У. Усмановым, К.С. Ахмедовым, С.Ш. Рашидовой, С.С. Негматовым, Р.С. Тиллаевым, С.А. Ташмухамедовым, У.Н. Мусаевым, Б.Дж. Кабуловым, О.Н. Рузимуродовым, Ф.Р. Рахмонбердиевым, А.С. Тўраевым, Х.И. Акбаровым и др. в результате разработаны эффективные методы синтеза органо-неорганических полимер-кремнеземных гибридных нанокomпозиций, а также обогащены новыми данными по применению их в хроматографии. Но не исследованы механизмы сорбционных процессов, термодинамические и физико-химические свойства.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертация выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Национального университета Узбекистана по фундаментальному гранту Ф-7-54 «Исследование физико-химических закономерностей и механизмов формирования наноструктурных пористых и полимер-кремнеземных гибридных нанокomпозиционных материалов» (2017-2020 гг.).

**Целью исследования** является структурный дизайн и исследование физико-химических свойств ПАН-кремнеземных низкоразмерных гибридных композитов.

Для достижения поставленной цели сформулированы следующие **задачи исследования:**

получение ПАН-кремнеземных композитов с заданными параметрами регулированием золь-гель процесса;

установление влияния различных факторов на кинетику гелеобразования в системе «Нитрон»-ТЭОС;

изучение влияния темплата на структурообразование ПАН-кремнеземного гибридного композита;

изучение физико-химических, адсорбционных, термических и термодинамических свойств низкоразмерных ПАН-кремнеземных гибридных композитов с заданной структурой;

определение механизма сорбции, термокинетики адсорбции паров воды и бензола, времени установления адсорбционного равновесия и полных термодинамических характеристик гибридных ПАН-кремнеземных нанокompозиций с помощью прецизионных адсорбционно-калориметрических исследований;

установление взаимосвязи «синтез-структура-свойства» в гибридных ПАН-кремнеземных композитах;

определение возможности использования синтезированных ПАН-кремнеземных гибридных композитов на реальных объектах.

**Объектами исследования** являются ТЭОС, ПАН, волокно «Нитрон», кремнезем, гибридные ПАН-кремнеземные композиции.

